

УДК: 332,81

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

стажёр ўқитувчи., **Нормуродов Сарвар Норбой ўғли,**

(Тошкент давлат аграр университети, ТДАУ),

E-mail: s.n.normurodov@bk.ru

талаба, **Хайруллаева Мухлисахон Нуриддин қизи,**

(Халқаро қишлоқ хўжалиги университети, ХҚХУ),

E-mail: xayrullaeva00@mail.ru

Annotation: *In this article, housing construction, management of housing construction, improvement of management efficiency, modern management system in the housing fund, housing and communal management, location of housing in the city of Tashkent, housing funds located in the city of Tashkent and monitoring of their technical conditions are explained.*

Key words: *housing construction, management of housing construction, improvement of management efficiency, modern management system in the housing fund, housing and communal management, housing funds located in the territory of Tashkent city and monitoring of their technical condition.*

Аннотация: *В данной статье, жилищное строительство, управление жилищным строительством, повышение эффективности управления, современная система управления жилищным фондом, жилищно-коммунальное хозяйство, размещение жилья, расположенного в городе Ташкенте, фонды жилья расположенные в городе Ташкенте и контроль за их техническим состоянием объясняется.*

Ключевые слова: *жилищное строительство, управление жилищным строительством, повышение эффективности управления, современная система управления жилищным фондом, жилищно-коммунальное хозяйство, жилищные фонды, расположенные на территории г. Ташкента, и контроль за их техническим состоянием.*

Аннотация: Ушбу мақолада, уй-жой қурилиши, уй-жой қурилишини бошқариш, бошқарув самарадорлигини ошириш, уй-жой фондида замонавий бошқарув тизими, уй-жой коммунал хўжалиги, тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган уй-жой жойлашуви, тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган уй-жой фондлари ва уларнинг техник ҳолати мониторинги кабилар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: уй-жой қурилиши, уй-жой қурилишини бошқариш, бошқарув самарадорлигини ошириш, уй-жой фондида замонавий бошқарув тизими, уй-жой коммунал хўжалиги, тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган уй-жой фондлари ва уларнинг техник ҳолати мониторинги кабилар мавжуд.

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳалари каби коммунал инфратузилма ва уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш соҳасида ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, изчил амалга оширилаётган ишлар, энг аввало, ижтимоий йўналтирилганлиги, айниқса инсон манфаатларини ҳимоялаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уларни бошқариш, хизмат кўрсатиш, аҳолининг ижтимоий қатлами учун замонавий арзон уй-жойларни қуриш ва уй-жой фондларини таъмирлаш бўйича қатор чора-тадбирлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан эътирофга моликдир.

Ўзгариб турадиган ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар, уй-жой фондига бўлган талаб, уни қуриш амалиёти янги муаммоларни келтириб чиқарди. Мавзунинг долзарблиги – уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятида замонавий бошқарувни жорий этиш, уларнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини тиклаш, моддий-техник базаси билан таъминлаш, эскирган уй-жойларни ва уй олди ҳудудларини замон талабларига мос ҳолда жорий ва капитал таъмирлаш, янги илмий ютуқларни жорий қилиш, уй-жой фондини эксплуатация босқичида харажатларни камайтириш, аҳолига сифатли коммунал хизматларни етказиб беришни ташкил этиш ва коммунал хўжалиги ходимларини бошқариш ва малакасини оширишдан иборат.

Бугунги кунда уй-жой фондидан оқилона фойдаланиш ва уни бошқаришнинг самарадорлигини оширишда бир қатор ҳорижий олимларнинг тадқиқот ишлари ҳам диққатга сазовордир. Европа олимлари Карен тарбокс,

Рассел Кенли, Максвелл чейзор, Кристофер Хейвуд ва шон Макнелис фикрларига кўра, «Уй-жойларни самарали бошқариш стратегияси (3 та асосий элемент: мулкни бошқариш стратегияси; мулкни бошқариш бўйича сиёсат; мулкни бошқариш бўйича ҳаракатлар режаси асосида) куйидаги мажбуриятларга эга: аҳолини уй-жой билан таъминлашни кўпайтириш; мавжуд уй-жой фондларидан самарали фойдаланиш, бунда аҳолининг ўзгарувчан эҳтиёжлари асосида уйғунлашадиган хавфсиз, арзон уйлар стратегиясини қўллаб-қувватловчи ташкилот уй-жой мулкдорлари ширкатларини белгилаш; уйсиз қолишининг олдини олиш; фаровонлик ислоҳоти таъсирини ҳал қилиш»¹.

Ижтимоий уй-жойларга тааллуқли фондларни бошқариш амалиётининг жорий ҳолати ва хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш; асосий фондларни бошқариш масалалари ва келиб чиқадиган муаммоларини муҳокама қилиш; ижтимоий уй-жой фондини бошқариш бўйича ҳалқаро тажриба; ижтимоий уй-жой мулкдорлари ширкатларини бошқаришда қўлланиладиган энг яхши амалиёт хусусиятлар мажмуини аниқлаш; жамоат ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари соҳасида тажриба ва молиявий моделларни таҳлил қилувчи лойиҳа билан амалга ошириш, жумладан, уй-жой фондларини бошқаришда давлатнинг ўрни муҳимлиги билан асосланади»².

Маҳаллий шароитда бу муаммо ва камчиликларни тўлақонли бартараф этиш учун соҳа вакилларини ягона тизим остида бирлаштириш лозим бўлади. Соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5017-сонли фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2900-сонли Қарорига асосан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги

¹ Karen Tarbox- Assistant Director Barbican & Property Services.- The City of London Corporation Housing Asset Management Strategy 2015-2020 (3-4p.).

² Russell Kenley, Maxwell Chiazor, Christopher Heywood and Sean McNelis.- «Towards best practice for public housing asset management». for the Australian Housing and Urban Research Institute AHURI Swinburne – Monash Research Centre. May 2009. AHURI Positioning Paper No. 118. ISSN: 1834-9250. ISBN: 978-1-921610-11-0. (1p.).

ташкил этилди. шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги «2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2922- сон қарори қабул қилиниши бугунги кунда коммунал хўжалиги соҳасида энг долзарб мавзу ҳисобланади.

1-жадвал

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган ноқонуний объектлар ва уларнинг мониторинги натижалари таҳлили (01.06.2021 йил ҳолатига)¹

Кўрсаткичлар	Ўрганиб чиқилган уй-жой фондлари сони (жами 8527 та)	Аниқланган ноқонуний объектлар сони (жами 7583 та)	Бузиб ташлаш ҳақида берилган мажбурий кўрсатмалар сони (жами 7583та)	Ихтиёрий равишда бузилган объектлар сони (жами 2634 та)	Мажбурий тартибда бузиришга оид судларга киритилган даъво аризалар сони (жами 919 та)
Ҳоким сектори бўйича	2480	4218	4218	690	454
Прокурор сектори бўйича	1866	1292	1292	869	195
Ички ишлар бошқармаси сектори бўйича	1937	917	917	611	111
Давлат солиқ инспекцияси сектори бўйича	2244	1156	1156	464	159

Амалга оширилган таҳлиллар натижаси «...коммунал хўжалиги соҳаси, хусусан уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни бошқаришнинг бугунги ҳолатини

¹ <http://mjko.uz>. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

таҳлил қилиш асосида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолари қуйидагилардан иборат:

✓ жойлардаги ижро ҳокимияти органлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятининг етарлича мувофиқ эмаслиги;

✓ уй-жой фондини сақлашни назорат қилиш ишлари етарлича ташкил этилмаганлиги; аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан кўп хонадонли уйлар олди ва орқа ҳудудларини ҳовли сифатида тўсиб олишлари, ушбу жойларга кичик иморатларнинг қурилиши; кўп қаватли уйларнинг ички ҳажмли-режавий ечимлари ўзгартирилиши, кўтарувчи деворларга шикаст етказиш, уйнинг техник эксплуатацияси бўйича белгиланган талаб ва нормаларнинг бузилишига олиб келмоқда...»¹.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан янгилаш, молиявий-иқтисодий барқарорлигини тиклаш ҳамда аҳоли розилигини таъминлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини комплекс ривожлантириш ва такомиллаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан 2021 йилнинг декабр ойига қадар «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи кўйилди ҳамда мазкур қонунда уй-жой мулкдорлари ширкатлари соҳасидаги давлат бошқаруви масаласини такомиллаштириш;

✓ уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини тартибга солишнинг самарали механизмларини амалиётга татбиқ этиш;

✓ ширкатларнинг уй-жойдан фойдаланишда қонунчилик ва норматив

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги «2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги пҚ-2922-сон қарори.

хужжатларга риоя қилиши юзасидан масъулиятларини ошириш;

✓ уй-жой мулкдорлари ширкатлари молиявий-хўжалик фаолияти ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган механизмларини ишлаб чиқиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиши таъкидланди.

1-жадвал маълумотларида 2021 йил 1 июнь ҳолатига кўра тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган ноқонуний объектлар ва уларнинг мониторинги натижалари таҳлили келтирилган бўлиб, ноқонуний деб топилган объектлар ўз вақтида бузилмаётганлиги ёки чала бузилганлиги оқибатида аҳолининг эътирозлари, юқори турувчи идораларга шикоятлар киритилишига сабаб бўлган. шунингдек, ноқонуний деб буздирилган объектлардан чиққан чиқиндилар кўп йиллардан бери сақланиб ётган эски материаллар бўлиб, улар тез фурсатда ташиб кетилмаса, шу ерда яшаётган аҳоли учун турли хил касалликларни келтириб чиқаришига сабаб бўлиши мумкин.

2-жадвал

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган уй-жой фондлари ва уларнинг техник ҳолати мониторинги натижалари таҳлили (01.06.2021 йил ҳолатига кўра)1.

Кўрсаткичлар	Ўрганиб чиқилган уй-жой фондлари сони (жами 7896 та)	Аниқланган камчиликлар сони (жами 17419 та)
Ҳоким сектори бўйича	2076	4177
Прокурор сектори бўйича	1779	4705
Ички ишлар бошқармаси сектори бўйича	1897	4786
Давлат солиқ инспекцияси сектори бўйича	2144	3751

2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, тошкент шаҳри бўйича ўрганиб чиқилган уй-жой фондлари сони жами 8527 тани ташкил этган бўлиб, шундан аниқланган ноқонуний объектлар сони жами 7583 тани, бузиб ташлаш ҳақида берилган мажбурий кўрсатмалар сони 7583 тани, ихтиёрий

¹ <http://mjko.uz>. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

равишда бузилган объектлар сони 2634 тани, мажбурий тартибда буздиришга оид судларга киритилган даъво аризалари сони эса 919 тани ташкил этган.

2-жадвал маълумотларида 2021 йил 1 июнь ҳолатига кўра тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган уй-жой фондлари ва уларнинг техник ҳолати мониторинги натижалари таҳлили келтирилган. Бунда ҳудуддаги уй-жой фондларининг техник аҳволи, жумладан уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича аниқланган камчиликлар келтирилган бўлиб, 2021 йилнинг 1-ярмида ўрганилган уй-жой фондлари жами сони 7896 тани ташкил этиб, ҳоким сектори бўйича 2076 та, прокурор сектори бўйича 1779 та, ички ишлар бошқармаси сектори бўйича 1897 та, Давлат солиқ инспекцияси сектори бўйича 2144 тани ташкил этган. Уй-жой фондларида аниқланган камчиликлар сони эса 17419 та ҳолатни ташкил этган.

3-жадвалда тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган уй-жой фондларининг техник аҳволи, уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳолати мониторинги натижалари таҳлили келтирилган. Ҳудудлардаги уй-жой фондларининг техник аҳволи, жумладан, уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича аниқланган камчиликлар, пудратчининг ишларни бажаришга молиявий имкони йўқлиги, ишчи кучи етишмаслиги, материаллар арзон гаровга сифатсиз келтирилатганлиги боис ишлар сифатсиз бажарилмоқда, айрим ҳолларда эса ишлар бажарилмасдан ташлаб кетилмоқда.

Олинган маблағлар эса талон-тарож қилинмоқда; шу объект учун қилиниши лозим бўлган ишлар ниҳоясига етказилмасдан қолмоқда. Жумладан, ертўла қисмидаги муҳандислик ускуналаридаги камчиликлар сони 2058 тани, фасадлар ва кириш йўлаклариди аниқланган камчиликлар сони 1849 тани, том қисмларида аниқланган камчиликлар сони 831 тани, фрамуга ромларини ўрнатиш бўйича камчиликлар сони 1404 тани, ёритгич мосламалар ўрнатилмаганлиги бўйича аниқланган камчиликлар сони 7508 тани ташкил этган.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланиш борасида комплекс ёндашувнинг йўқлиги, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларнинг ҳолати санитария-гигиена меъёрларига тўлиқ жавоб бермаслиги, биноларни реконструкция қилиш ишлари бажарилишида ўрнатилган меъёр-қоидаларга риоя этилмаётганлик, эски уйларни бузиш ишларининг етарли даражада олиб борилмаётганлиги каби ҳолатлар ҳанузгача учрамоқда. Уй-жой фондидан оқилона фойдаланиш ва уни бошқариш самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

✓ республикада уй-жой фондидан самарали фойдаланиш, хусусан уларни

таъмирлаш, сақлаш ва бошқариш, шунингдек, коммунал хизматлар сифатини ошириш ва харажатларни камайтиришга қаратилган ижтимоий ва давлат-хусусий шериклик муносабатларини янада такомиллаштириш лозим;

3-жадвал

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган уй-жой фондларининг техник ҳолати, уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш мониторинги натижалари таҳлили (01.06.2021 йил ҳолатига)¹

Кўрсаткичлар	Ертўла қисмидаги муҳандислик ускуналаридаги камчиликлар сони (2058 та)	Фасадлар ва кириш йўлақларида аниқланган камчиликлар сони (1849 та)	Том қисмларида аниқланган камчиликлар сони (831 та)	Фрамуга ромларини ўрнатиш бўйича камчиликлар сони (1404 та)	Ёритиш мосламалари ўрнатилмаганлиги бўйича аниқланган камчиликлар сони (7508 та)	Ободонлаштириш ишлари олиб борилмаган, ирригация ва иссиқлик тизимлари
Ҳоким сектори бўйича	480	385	195	277	1702	65
Прокурор сектори бўйича	641	732	292	493	1922	37
Ички ишлар бошқармаси сектори бўйича	402	404	190	338	2060	59
Давлат солиқ инспекцияси сектори бўйича	535	328	154	296	1824	41

❖ *уй-жой фондини таъмирлаш, сақлаш ва бошқариш тизими корхона ва ташкилотлари ҳамда уй-жой эгалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни юқори даражада шакллантириш ва аҳоли ўртасида соҳага доир қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ва тушунтириш. Натижада маҳаллий ҳокимиятнинг уй-жой мулкдорлари ширкати ва маҳаллий ҳукуматнинг уй-жой мулкдорлари сиёсати самарадорлиги реал баҳоланади.*

¹ <http://mjko.uz>. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

шунингдек, у ўзида муайян муаммоларни ҳал қилиш бўйича керакли чоралар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишига имкон беради;

❖ янги уй-жойлар қурилиши, мавжуд уй-жойларга энергия тежамкор материал, ускуна ва технологиялардан самарали фойдаланиш. шунингдек, илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ижобий тажрибаларни амалиётга татбиқ этишининг самарали механизмини ишлаб чиқиш, бунда биоларнинг энергия сарфини оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқиш;

❖ уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уй-жой фондларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича аниқланган камчиликлар, таъмирга муҳтож объектларнинг ҳақиқий аҳволдан келиб чиққан ҳолда ва мулкдорларнинг хоҳиш-истакларини реал ўрганган ҳолда аниқланиши ва дастурга киритилиши мақсадга мувофиқдир;

❖ ноқонуний деб топилган объектлар бузиб ташланган ва бугунги кунда аҳолининг қўшимча мулклари ёки юкларини сақлашга мўлжалланган жойлар (кладовка) мавжуд эмаслиги аҳолининг ҳақли эътирозларини келтириб чиқаради. шунинг учун аҳолининг қўшимча мулклари ва юкларини сақлашга мўлжалланган объект қурилишини ташкиллаштириш ва унга масъулларни белгилаш лозим;

❖ уй-жой ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш, ширкатларга тегишли уй-жойларда истиқомат қилаётган аҳолининг «касбий малака»сини шакллантириш, уй-жойлар техник экспертизасини амалга ошириш юзасидан билим ва касбий маҳоратини оширишга имкон берадиган шарт-шароитларни таъминлаш, уй-жойларнинг ҳолатини яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва мулкчилик муносабатларини барқарорлаштириш мақсадида шахслар ва уй хўжаликларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, меъёрий-ҳуқуқий қонунчилик базасини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Т.:2017 йил 7 феврал, ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Р.И. Нуриимбетов, Б.Р. Иброҳимов, С.Н. Нормуродов, Уй-жой фондини бошқариш ҳолатини социологик сўровнома асосида ўрганиш // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali, 6/2022, noyabr-dekabr, (№ 00062), <http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, Т. 2022 йил 6 январ.
4. Р.И. Нуриимбетов, И.Х. Давлетов, С.Н. Нормуродов, Уй-жой фондидан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Biznes-Эксперт журнали № 5, 2019.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги «2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2922-сонли қарори.
6. Rasulova M.Ya, Normurodov S.N, Housing fund management in Uzbekistan and important issues to improve using it // The american journal of engineering and technology (ISSN – 2689-0984) published: august 11, 2020 | pages: 1-6 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajet/> Volume 02 Issue 08-01, IMPACT FACTOR 2020: 5.32.
7. С.Н. Нормуродов., Р.А. Рафиқов, Improving the efficiency of housing construction management // World Economics & Finance Bulletin (WEFB), Available Online at: <https://www.scholarexpress.net>, Vol. 19, February 2023, ISSN: 2749-3628.
8. Ш.Юлдошева, С.Нормуродов, Уй-жой коммунал хўжаликчилик кластерини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш // Agroiqtisodiyot ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal 2022 yil maxsus son веб сайти www.ooqxssrtxm.uz ҳамда <https://t.me/agroiqtisodiyot>.
9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан 2017 йилнинг 1 сентябридан 2018 йилнинг 1 май ҳолатига кўп қаватли уй-жой фондларини куз-қиш мавсумига тайёргарликлари ҳолатлари юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари тўғрисида маълумот. // Манба: Ахборот хизмати, 30.09.2018 йил.

10. Р.И. Нуримбетов., С.Н. Нормуродов, Қурилиш-монтаж ишлари сифатини бошқариш // “Бизнес-Daily Медиа” Биржа Иқтисодий газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. №74 2549 www.biznes-daily.uz.

11. С.Н. Нормуродов., Р.А. Рафиқов, Digitization of housing construction in rural areas and improvement of management efficiency // World Economics & Finance Bulletin (WEFB), Available Online at: <https://www.scholarexpress.net>, Vol. 19, February 2023, ISSN: 2749-3628.

12. Р.И. Нуримбетов, С.Н. Нормуродов, Совершенствование управленческой деятельности товариществ частных собственников жилья: проблемы и решения // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета имени Г. В. Плеханова Т. 11. № 4 (36). 2019.

13. В.Ёдгаров, Д.Бутунов Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви, дарслик «НОШИР» Тошкент 2012.

14. Нуримбетов. Р.И., Султанов А.С., Нормуродов С.Н, Уй-жой коммунал хизматлари самарадорлигини оширишда сифат менежменти тизимини жорий этиш масалалари // Таълим тизимид ижтимоий-гуманитар фанлар журнали 3- ISSN 2181-7286 Тошкент – 2020.

15. Karen Tarbox - Assistant Director Barbican & Property Services. - The City of London Corporation Housing Asset Management Strategy 2015-2020 (3-4p).

16. Нормуродов С.Н. Система показателей оценки эффективности и качества услуг жилищно-коммунального хозяйства // По теме «Инновации, интеграция, экономия в сфере архитектуры и строительства» международная онлайн научно-практическая конференция 5-6 мая 2021 г.

17. Russell Kenley, Maxwell Chiazor, Christopher Heywood and Sean McNelis.- «Towards best practice for public housing asset management». for the Australian Housing and Urban Research Institute AHURI Swinburne – Monash Research Centre. May 2009. AHURI Positioning Paper №118.